

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

2023
6-son

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal



ISSN 2181-8274

Muassislar:

*O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi,
Oliy ta'limni rivojlantirish
tadqiqotlari markazi*

Manzil: 100095, Toshkent sh.
2-Chimboy ko'chasi, 96-uy.

Telefon: (71) 207-03-41

e-mail: rmxat@edu.uz

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligidan 2014-yil 26-dekabrda 0506 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.

Jurnal har ikki oyda o'zbek, rus va ingliz tillarida elektron shaklda chop etiladi.

“Ta'lim, fan va innovatsiya”
jurnali O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi
Rayosatining 2015-yil 18-noyabrda
218/5-sonli qarori bilan 13.00.00 —
PEDAGOGIKA FANLARI bo'yicha,
2018-yil 28-noyabrda 247/6-sonli
qarori bilan 23.00.00 — SIYOSIY
FANLAR bo'yicha doktorlik
dissertatsiyalari asosiy ilmiy
natijalarini chop etish tavsiya etilgan
ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

“Ta'lim, fan va innovatsiya”
jurnalidan ko'chirib bosish faqat
tahririyatning roziligi bilan amalga
oshiriladi. Maqolada keltirilgan
faktlarning to'g'riligi uchun muallif
mas'uldir. Tahririyat fikri mualliflar
fikriga mos kelmasligi mumkin.

*Jurnalning to'liq matnini esijournal.uz rasmiy
saytidan yuklab olishingiz mumkin.*

*Maqola va murojaatlaringizni
[@esijournalbot](https://t.me/esijournalbot) telegram botiga yuboring.*

Durdonakhan Tukhtasinova.

How To Teach The English Language To Mixed Level Students..... 83

Бобур Қодиров.

Талабаларнинг маълумотлар базасини яратиш компетентлигини такомиллашти-
ришда дастурлаш технологияларидан фойдаланиш..... 85

Shoira Rahimova.

Unsurul-maoliy kaykovusning “Qobusnoma” asarida farzand tarbiyasiga oid
fikrlarning ifodalanishi..... 88

Мусурмон Хуррамов.

Олий таълим муассасалари фаолиятига сунъий интеллект технологиясини жо-
рий этиш истикболлари..... 91

Сарвиноз Салимова.

Бўлажак ўқитувчиларнинг замонавий модели ва
квалиметрик диагностикаси..... 94

Jur'at Saidov.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni tarbiyalashda milliy qadriyatlar va o'yinchoqlarning
pedagogik ahamiyati..... 98

Noiba Sobirova.

Shaxsda mantiqiy fikrlashni o'stirishning o'ziga xos xususiyatlari..... 101

Raxat Shilmanov.

Milliy harakatli o'yinlarning mazmun-mohiyati 104

Oybek Abdimurotov.

Kredit-modul tizimi sharoitida bo'lajak geografiya o'qituvchilariga mustaqil
ta'limni tashkil etish dolzarb pedagogik muammo sifatida 106

Muxayyo Alikulova.

Jahon tajribasida yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlashga doir ijtimoiy-pedagogik
yondashuvlar tahlili..... 110

Dilmurod Abdusamiyev.

O'qituvchilar kasbiy salohiyatini oshirishda talis baholash dasturining
pedagogik imkoniyatlari 113

Sojida Ashirova.

Bo'lajak maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachilarining kasbiy tayyorgarligini
oshirishda pedagogik amaliyotlarning o'rni 116

Shapulat Atabayev, Dildora Raximjonova

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining kreativlik qobiliyatini rivojlantirish 119

Muqaddas Egamberdiyeva.

Multimedia vositalari asosida tayyorlov guruhi bolalarini ijodiy hikoya tuzishga
o'rgatish metodikasini takomillashtirishning pedagogik shart-sharoitlari..... 122

Dauletmurat Bekmuratov, Ismaxmud Baymuratov.

Jismoniy sifatlarining umumiy tavsifi va ularni rivojlantirish 125

Charos Axmadova.

Sinfidan tashqari olib boriladigan jismoniy tarbiya ishlariga tasnif 128

Faxriddin Qosimov.

Malaka oshirish jarayonida jismoniy madaniyat o'qituvchilarida kasbiy
kompetentlikni takomillashtirish modeli 131

Sevara Yuldasheva.

The effectiveness of 5 e's of ibl in teaching english language 134

Зайнулдин Арзикулов.

Физика фани ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини
такомиллаштириш 138

Dilfuza Qurbonboyeva.

Talabalarning madaniyatlararo muloqot kompetensiyalarini shakllantirishga
yo'naltirilgan mashqlar tizimi..... 141

Камол Даёров.

Замонавий информатика ўқитувчиларининг касбий тармоқ жамоаларини яра-
тиш самарадорлиги 144

Dilrabo Qoirova.

Yangi islohotlar — yangi darsliklar 147

Umid Yakubov.

Talabalarda menejerlik kompetensiyasini takomillashtirishda boshqarish usullarining
mazmuni..... 150

Sevinchoy Ro'zimboyeva.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida rivojlantiruvchi markazlarda pedagogik faoliyatni
tashkil etish mazmuni 153

REFERENCES:

1. Pedaste, M., Mäeots, M., Siiman, L. A., De Jong, T., Van Riesen, S. A., Kamp, E. T., Manoli, C., Zacharia C., Tsourlidaki, E. (2015). Phases of inquiry-based learning: Definitions and the inquiry cycle. *Educational Research Review*, 14, 47-61. doi:10.1016/j.edurev.2015.02.003
2. Kolstø, S. (2018). Use of dialogue to scaffold students' inquiry-based learning. *Nordic Studies in Science Education*. 14(2): 154 <https://doi.org/10.5617/nordina.6164>
3. Ontario Ministry of Education. (2011). Capacity building series: Getting Started with Student Inquiry [Document series]. Retrieved from: 4 <https://www.tigurl.org/images/tiged/docs/activities/1759.pdf>
4. Bybee, R. W. (2014). Guest Editorial: The BSCS 5E Instructional Model: Personal Reflections and Contemporary Implications. *Science and Children*, 51(8), 10–13. <http://www.jstor.org/stable/43691919>
5. Arauz, P.E. (2014). Inquiry-Based Learning in an English as a Foreign Language Class: A Proposal. *Revista de Lenguas Modernas* (19)
6. Beltran, D., Sarmiento, L. E., & Mora-Flores, E. (2013). Science for English language learners: Developing academic language through inquiry-based instruction. p37 Shell Educational Publishing, Inc.
7. MacKenzie, T., & Bathurst-Hunt, R. (2019). Inquiry mindset. *Elevate*. p-18
8. Murdoch, K. (2015). The power of inquiry. Northcote, Vic: Seastar Education. p-15
9. Marschall, C. & French, R. (2018). Concept-Based inquiry in action: strategies to promote transferable understanding. California: Corwin p-45
10. Ballone Duran, L., & Duran, E. (2004). The 5E Instructional Model: A Learning Cycle Approach for Inquiry-Based Science Teaching. *Science Education Review*, 3(2). <https://files.eric.ed.gov/fulltext/EJ1058007.pdf>
11. Bybee, R.W., Taylor, J., Gardner, A., Scotter, P., Powell, J., Westbrook, A., Landes, N. (2006). The BSCS 5E instructional model: Origins and effectiveness. Office of Science Education National Institutes of Health. p-10
12. Rejeki, Sri. (2017). Approach and Methods on TEFL: Inquiry-Based Language Learning (IBLL). *ENGLISH FRANCA: Academic Journal of English Language and Education*. 1. 135. 10.29240/ef.v1i2.154.



ФИЗИКА ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Зайниддин Арзикулов,
Чирчиқ давлат педагогика
университети ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада умумтаълим мактабларида ўқувчиларга физикани фанлараро ўқитишда замонавий таълим технологияларидан, компьютер дастурий таъминотларидан фойдаланиш, хорижий тажрибалар асосида физикани фанлараро интерфаол ўқитишни таъминлаш этиш, ўқувчиларга физикага оид компетенцияларни ривожлантириш ўқув жараёнини таъминлаш этиш ва бошқариш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда методик тайёргарликни такомиллаштириш технологиялари ёритилган. Шунингдек, методик тайёргарликни такомиллаштириш яхлит педагогик жараён асосини таъминлаш этиш, мазкур жараёнда талаба қизиқишлари, мойилликлари, лаёқатини таълим муассасалари эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Компетенция, метод, технология, умумлаштириш, хулоса чиқариш, дарс типлари, ўқув режаси, дастур.

Аннотация

В статье описано использование современных образовательных технологий и компьютерных программ в междисциплинарном обучении физике учащихся общеобразовательных школ, организация междисциплинарного интерактивного обучения физике на основе зарубежного опыта, формирование умений и компетенций организации и управления образовательный процесс по развитию физических компетенций студентов и совершенствованию методической подготовки. Также анализируется совершенствование методической подготовки, организация целостного педагогического процесса, гармонизация интересов, склонностей, способностей учащихся с потребностями образовательных требований в этом процессе.

Ключевые слова: Компетенция, метод, технология, обобщение, вывод, виды обучения, учебная программа, учебная программа.

Annotation

The article describes the use of modern educational technologies and computer programs in interdisciplinary teaching of physics to students of secondary schools, the organization of interdisciplinary interactive teaching of physics based on foreign experience, the formation of skills and competencies in the organization and management of the educational process to develop the physical competencies of students and improve methodological training. The improvement of methodological training, the organization of an integral pedagogical process, the harmonization of interests, inclinations, and abilities of students with the needs of educational requirements in this process are also analyzed.

Keywords: Competence, method, technology, generalization, conclusion, types of training, curriculum, curriculum.

Республикамиздаги умумтаълим мактабларида таълимни замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва мазмунан янгилаш, узлуксиз таълим тизимининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари тизимини янада такомиллаштириш, рақобатбардош ўқитувчининг касбий фаолиятида методик тайёргарликни кучайтириш жамият талабларининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, бу борада ҳам юқори натижаларга эришилди. Республикамизда “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш” [1], шу билан биргаликда умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, физика, информатика, математика каби талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўргатиш; иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда олий таълим тизимида фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш устувор вазифа сифатида кенг қўлланма ишлар олиб борилмоқда.

Юртимизда бўлажак ўқитувчиларининг методик тайёргарлиги доимий ўзгариб бораётган шароитда илғор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда, олий таълим муассасасида уларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш технологиясини, дидактик асосларини ишлаб чиқиш, педагогик шарт-шароитлари, мазмуни ва тузилмаси, такомиллаштириш мезонлари ва шаклланганлик даражалари, шакл, метод, воситалари, модели, ўқитиш сифатининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, педагогика олий таълим муассасасида бўлажак физика ўқитувчиларини методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги янгиланиш, маънавий юксалиш даврида ҳар томонлама етук, билимдон, ижодкор ёшларни тарбиялаш ҳозирги куннинг асосий талабларидан биридир. Бундай масъулиятли ва шарафли вазифани ҳал этишда ўқитувчининг ўрни ва хизмати бениҳоя катта.

Бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари ҳамдўстлик мамлакатларида ушбу масала юзасидан М.Бантова, Г.Бельтюкова, Н.Истомина, Л.Нестеренко, А.Полевщикова, А.Пишкало, О.Тарасова, С.Шведовалар ҳамда

хорижий тадқиқотлар тажрибасида Ш.Аинсвортх (Sh.Ainsworth), С.Блессинг (S.Blessing), Т.Жонг (T.Jong), В.Коувенховен (W.Kouwenhoven), Т.Муррай (T.Murray), С.Соутрас (C.Coutras), К.Тхаунг (K.Thauang), С.Эрдурани (S.Erduran)лар илмий изланишларида ўз ифодасини топган [2].

Юртимизда умумтаълим мактабларида ўқувчиларга физикани фанлараро ўқитишда замонавий таълим технологияларидан, компьютер дастурий таъминотларидан фойдаланиш, хорижий тажрибалар асосида физикани фанлараро интерфаол ўқитишни ташкил этиш, ўқувчиларга физикага оид компетенцияларни ривожлантиришнинг янгидан янги усуллари яратилмоқда. Натижада, умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг ижодкорлик, илмий билиш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий таълим технологияларини фанлараро ўқитиш методлари асосида такомиллаштиришда илмий тадқиқот ишларини амалга оширишнинг педагогик-дидактик имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Шундай бўлсада, ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказишда умумтаълим фанларини (физика, математика, биология ва бошқалар) олтинчи ва ундан олдинги синфларда ўқитилган фанларидан ўрганган билимларининг узвийлигига эътибор бир оз камайиб, ҳар бир фан ўз вазифалари билан таълимни амалга оширишга киришади. Оқибатда кўпчилик ўқувчилар юқори синфларга ўтган сари айрим фанларнигина биладиган ёки қизиқадиган ҳолатга келади.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз [5]:

➤ ўқувчиларга физик билимларни компьютер ва ахборот технологияларини қўллаш орқали тажрибалар ва ҳодисанинг ўзгаришини кузатиш, кўрганларини таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш йўллари кўрсатиб бериш;

➤ физика курсининг бошқа фанлар билан алоқадорликда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқувчиларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантиришда таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини фанлараро алоқалар асосида ривожлантириш;

➤ физикани ўқитишда дарс самарадорлигига таъсир этадиган интерфаол методларни қўллаш орқали фанлараро алоқаларни ривожлантириш, ўқитиш воситаларини такомиллаштириш бўйича услубий қўлланма тайёрлаш ва амалиётга тадбиқ қилиш;

➤ машғулотларда ўқувчилар томонидан бевосита идрок қилинишини таъминловчи шарт-шароитларни кўрсатиб бериш. Физика ўқитиш орқали ўқувчиларда илмий фикрлашни ривожлантириш, энергия тежам-корлигига ўргатиш йўллари ва унинг ўқитиш методикасини фанларларо алоқадорлик асосида такомиллаштириш ва бошқалар.

Шахс ривожланиши ва эҳтиёжларига йўналган янги таълим парадигмаси, ижтимоий ва иқтисодий, сиёсий соҳалардаги ўзгаришлар, таълимнинг минтақалашуви, мутахассислар тайёрлаш тузилмасининг мазмуни ва сифатини тубдан ўзгартириш заруриятини тақозо этди. Ҳозирги кунда жаҳон таълим тизимига киришни таъминлашга имкон берувчи инновацион таълим натижаларига талаб кучайган. Таълимнинг мазмунан янгиланиши, таълим ва тарбиянинг сифати самарадорлигини ошириш ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиши ҳамда касбий рақобат ўқитувчидаги шахсий фазилатларга ва унинг касбий фаолиятига жамият талабларининг ўзгаришига олиб келди [3, 127].

Ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштиришда касбий таълим жараёнини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш, бу жараённинг мақсади, вазифаларини яхши тушунишлари, инновацион таълим (педагогик, ахборот-коммуникация) технологияларини ҳар томонлама чуқур ўзлаштиришлари лозим. Талабанинг замонавий йўналтирилган методик тайёргарлигини тўғри ташкил этиш учун бир қатор мезонларга таянишни тақозо этади.

Бугунги кунда олий педагогик таълим тизими олдида инновацион методик тайёргарликка эга ўқитувчиларни тайёрлаш вазифаси қўйилган. Маълумки, бўлажак ўқитувчиларнинг таълим жараёнидаги методик тайёргарлигини такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш устувор ўрин эгаллайди. Бунинг учун физика ўқитувчиларидан замонавий талабларга жавоб берадиган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳият, чуқур билим ва илмий дунёқараш, пухта методик тайёргарликка эга шахс бўлиш талаб этилади [4, 85].

Тадқиқотлар натижасида бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарликни такомиллаштиришга доир қуйидаги компетенциялар аниқланди: назарияни амалиётга татбиқ этиш бўйича:

➤ физика ўқитиш методикаси фанидан билимларни эгаллаш;

➤ фаннинг долзарб масалаларини аниқлаш ва ўқувчиларга етказа олиш.

Метод ва технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича:

➤ ноанъанавий методлар;

➤ илғор таълим технологияларини физика ўқитиш методикаси фани мавзуларини ўргатиш вақтида танлай олиш;

➤ ўз фанида метод ва технологияларни ижодий қўллаш олиш;

➤ фактларни таҳлил қилиш;

➤ умумлаштириш, шу асосда хулоса чиқара олиш.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш бўйича:

➤ дарс типларини билиш ва уларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш;

➤ ўқув режаси ва дастурини такомиллаштириш;

➤ мавзуй режани ишлаб чиқиш; касбий маҳорат бўйича ўз билими ва кўникмаси асосида эгаллаган лавозимида мустақил фаолият олиб бориш;

➤ касбий лаёқат талабларига ва методик тайёргарлигига жавоб бера олиши;

➤ жамият ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялар мазмуни ва аҳамиятини тушуниш;

➤ интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий методлари, усуллари ва воситаларига, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникма ва малакаларига эга бўлиши.

Тадқиқот натижаларига кўра, бўлажак ўқитувчиларда методик тайёргарликни такомиллаштириш мақсадида ташкил этиладиган таълим жараёнида профессор-ўқитувчилар қуйидаги компетенцияларга эга бўлиши кераклиги аниқланди:

➤ талабаларда методик тайёргарликни такомиллаштиришга хизмат қиладиган ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш, методика ишлаб чиқиш;

➤ талабаларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштиришга хизмат қиладиган ўқув-тарбия жараёнини инновацион технологияларни қўллаган ҳолда ташкил этиш;

➤ талабаларда методик тайёргарликни такомиллаштиришга хизмат қиладиган ўқув-тарбия жараёнида улар билан профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

➤ талабаларда методик тайёргарликни такомиллаштиришга хизмат қиладиган ўқув-тарбия жараёнини бошқариш, унинг сифати ва самарадорлигини мунтазам назорат қилиш.

Педагогика олий таълим муассасасидаги таълим жараёнида юқорида қайд қилинган ташкилий ва психологик-педагогик шарт-шароитларни амалга ошириш, фикримизча, бўлажак физика ўқитувчиларида физика ва уни ўқитиш методикаси фанларидан методик компетенцияларини ривожлантиришга ва методик тайёргарликни такомиллаштиришга имкон беради.

Мазкур компетенциялар дидактик, методик, илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг жорий қилиниши каби қатор вазифалар бажарилишини тақозо этади.

Методик тайёргарликнинг мақсади сифатида физика ўқитиш жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида

шахс ривожланишини амалга ошириш учун лаёқатли бўлажак ўқитувчининг ижодкор шахсини шакллантириш намоён бўлади.

Бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг асосий негизини куйидаги сифат кўрсаткичлари ташкил этади: психологик-педагогик билимлар, методик тайёргарлик, меёрий хужжатларни мукамал билиш, инновацион таълим технологиялари, шунингдек, электрон таълим ресурсларидан тўлиқ фойдалана олиши каби сифатлар асосида методик тайёргарлик.

Методик тайёргарликни такомиллаштириш яхлит педагогик жараён асосини ташкил этиб, маз-

кур жараёнда талаба кизиқишлари, мойилликлари, лаёқатини таълим муассасалари эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш талаб этилади.

Бунинг учун бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришда таълим-тарбия ва ижтимоий тажриба уйғунлигини таъминлаш; электрон таълим ресурслари воситаларини амалиётга татбиқ этиш; ўқувчиларнинг ота-оналари ва таълим муассасаси ҳамкорлиги асосида мустақил, ижодий топшириқларни бажаришга ўргатиш ва компетенцияларни шакллантириш, ривожлантиришнинг имкониятларини тўлиқ сафарбар этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. www.lex.uz.
2. Тошпулатова М. Илғор педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига жорий этиш // “Глобал олий таълим тизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари” Халқаро илмий конференция. Навоий, 2015 йил 9 апрель. – Б.302-306.
3. Бордовский В.А., Ланина И.Я., Леонова Н.В. Инновационные технологии при обучении физике студентов педвузов. – СПб., Изд-во РГГГУ им. А.И. Герцена, 2003. 265 с.
4. Бордовский Г.А., Нестеров А.А., Трапицын С.Ю. Управление качеством образовательного процесса. – СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2001. 352 с.
5. Alijanov D. A., Zaxidov I. O. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida tobush hodisalarini o'qitish/O'quv-uslubiy qo'llanma. – Namangan, 2021. -112 b.



TALABALARNING MADANIYATLARARO MULOQOT KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN MASHQLAR TIZIMI

Dilfuza Qurbonboyeva,

Jizzax davlat pedagogika universiteti
“Maktabgacha va boshlang'ich ta'limda xorijiy til” kafedrasida stajyor o'qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada chet til o'qitish metodikasi kursidan ma'lumki, har bir til darsi madaniyatlararo muloqot sifatida olib boriladi. Darsining asosiy vazifalari til o'rganuvchilarning madaniyatlararo muloqot omilkorligini oshirishga qaratilgan bo'lishi lozim. O'quvchilarni madaniyatlararo muloqotga o'rgatish uchun esa chet til o'qituvchisidan o'z novbatida til o'rganuvchilarning yoshiga va qiziqishiga mos tarzda mashqlarni tanlash va taqdim etish talab etiladi hamda bunday mashqlar o'quvchilarning chet tildan egalagan bilim, ko'nikma va malakalarini takomillashtirish bilan birga ularning kommunikativ kompetensiyalarini shakllantirishga yo'naltirilmog'i lozimligi haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: o'qituvchi, til, kurs, mashqlar, bilim, ko'nikma, malaka, grammatika, muloqot.

Аннотация

В данной статье из курса методики преподавания иностранного языка известно, что каждый урок языка проводится как межкультурный диалог. Основные задачи урока должны быть направлены на повышение эффективности межкультурного общения изучающих язык. Чтобы научить студентов межкультурному общению, учитель иностранного языка должен подобрать и представить упражнения в соответствии с возрастом и интересами изучающих язык, и такие упражнения должны совершенствовать знания, навыки и умения учащихся по иностранному языку. Наряду с совершенствованием своих навыков необходимо уделять внимание формированию коммуникативных компетенций.

Ключевые слова: преподаватель, язык, курс, упражнения, знания, умения, компетентность, грамматика, общение.